

№ 01/20-21
16.02.2024-yil



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Кишлоқ хўжалиги вазири

И.Ю. Абдурахмонов
“13 ” февраль 2024 йил

Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни асосида
Кишлоқ хўжалиги вазирлигига 2024 йилда молиялаштирилаётган
маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш
бўйича йиғилиш
БАЁНИ ___-сон

2024 йил “__” февраль

Кибрай тумани

Раислик қилувчи: - Б.А. Охунов - Кишлоқ хўжалиги вазири
ўринbosари

Иштирок этдилар: - Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиб агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги масъул ходимлари, Европа иттифоқи “ASK Facility” лойиҳаси эксперталари ҳамда вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари, тизим ташкилотлари шу жумладан, ҳудудий бўлинмаларнинг бухгалтерия, молиялаштириш ва режалаштириш, ички аудит ҳамда комплаенс назорати бўлимлари ходимлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни асосида
Кишлоқ хўжалиги вазирлигига 2024 йилда молиялаштирилаётган
маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш
тўғрисида

(Охунов, Мирзаев, Набираев, Жабборов, Жойс Тюнессен, Ашурев, Пардаев, Халилов,
Миркасимов, ..., Охунов)

Кишлоқ хўжалиги вазири ўринbosари Б. Охунов мазкур йиғилишда
кун тартибидаги масалаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Йиғилишда Давлатимиз раҳбари раислигига жорий йил 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамасига бағишлиланган танқидий йиғилишда бюджет харажатларини самарадорлигини ошириш, шунингдек 2024 йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида амалга ошириладиган харажатларни тўғри сарфланишини таъминлаш вазифаси қўйилганлиги таъкидланди.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда хорижий грантлардан оқилона фойдаланиш, жумладан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, стипендия тўлови, давлат хариди, сақлаш ва бошқа харажатлар аниқ ҳисоб-китоблар асосида қонунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Ҳисоб палатаси шўъба мудири С. Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2024 йил 16 январь куни “2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар” муҳокамасига бағишлиланган йиғилишда берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатаси ходимлари бюджетдан йирик маблағ оловчи 12 та вазирликларга харажатларни доимий назорат қилиш юзасидан вакил сифатида бириктирилганлигини, жумладан, Қишлоқ хўжалик вазирлигига Ҳисоб палатаси шўъба мудири С. Мирзаев ва етакчи инспектор А. Арзиқулловлар 2024 йил якунига қадар бириктирилганлини маълум қилди.

Шу билан бирга, Давлат бюджетидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2024 йилда турли манбалардан ажратиладиган 5,1 трлн. сўм, шундан халқаро молия институтлари маблағларидан 423 млрд. сўм маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда вазирлик ва унинг тизимиға кирувчи ташкилотлар харажатларини амалга ошириш устидан қатъий ҳамда таъсирчан назорат ўрнатилишини таъкидлади.

Ўқув-семинарда, Буш прокуратуранинг бошқарма бошлиғи ўринбосари - бўлим прокурори А. Набираев 2023 йилда давомида вазирликларда кўплаб ҳуқуқбузарликлар ва коррупция ҳолатлари содир этилганлигини билдириб ўтди.

Хусусан, бюджетдан йирик маблағ оловчи 12 та вазирликда қонун бузилишлар авж олганлиги оқибатида 3 501 нафар шахслар томонидан 3 629 млрд. сўм бюджет маблағлари талон тарож қилинганлигини, коррупцион ҳолатлар юзасидан 2 952 та жиноят ишлари қўзғатилганлигини маълум қилди.

Бундан ташқари, мазкур 12 та вазирлик ходимларининг суистеъмолчилиги ва хизмат вазифаларига совуққонлиги ҳақида

прокуратура органларига 18,2 мингта мурожаат келиб тушганлигини баён этди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат органларининг ички аудит тузилмалари фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи А. Жабборов давлат молиясини бошқариш стратегияси мазмун моҳияти, вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг халқаро тажрибалари ва зарурияти, мамлакатимизда ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг хуқуқий асослари бўйича маълумотлар бериб ўтди.

Европа иттифоқи “ASK Facility” лойиҳаси халқаро эксперти Жойс Тюнессен лойиҳанинг “Давлат молиясини бошқариш йўналишида” соҳага оид долзарб ҳамда зарур маълумотларни берди.

Ўқув-семинарида Ички аудит бўлими бошлиғи Ф. Ашуров тизимда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда хорижий грантлардан фойдаланишда тегишли қонунлар ва норматив-хуқуқий хужжатларга қатъий амал қилиниши, алоқадор ходимларни шахсий масъулиятини ҳамда жавобгарлигини янада ошириш зарурлиги бўйича алоҳида тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга, вазирликнинг Молия-иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси бошлиғи Ю. Пардаев, Комплаенс назорати ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи С. Халилов ҳамда Бюджетлаштириш ва молиявий мониторинг бўлими бошлиғи Б. Миркасимовлар ўқув-семинари иштирокчиларига тегишлилиги бўйича маълумотларини ўқиб эшиттирди.

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича берилган топшириқлар ҳамда билдирилган таклифларни инобатга олиб, йиғилиш қарор қиласди:

1. Вазирлик ва тизим ташкилотлари шу жумладан, ҳудудий бўлинмаларнинг бухгалтерия, молиялаштириш ва режалаштириш, ички аудит ҳамда комплаенс назорати бўлимлари ходимларига жорий йилнинг 6-7 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Баш прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги масъул ходимлари ҳамда хориждан Европа иттифоқи “ASK Facility” лойиҳаси экспертлари иштирокида ўқув-семинарлари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тизим ташкилотлари раҳбарлари, уларнинг молиявий масалалар бўйича ўринбосарлари ҳамда бош ҳисобчилар:

- Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда хорижий грантлардан мақсадли оқилона ва самарали фойдаланиш, жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда стипендия тўловларини ўз

вақтида тўлиқ амалга ошириш, давлат хариди, сақлаш ва бошқа харажатлар учун жавобгар этиб белгилансин.

- Бюджет кодексига асосан харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тасдиқлатиш жорий молия йилининг 10 мартадан кечиктирмай амалга оширилсин.

- бухгалтерия ҳисоби сиёсати Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқномага асосан юритилиши таъминлансин.

Хусусан, Йўриқномага асосан молиявий ҳисботларни белгиланган муддатларда топширилишини, шунингдек, чораклик ва йиллик молиявий ҳисботларни тўлиқ ва аниқ юритилишини, молия-хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибига кўра ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

- Асосий воситаларни балансдан чиқаришда Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига қатъий риоя этилиши таъминлансин.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 4-сон Қарори ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 11 январдаги 3-сон буйруғига асосан 2025-2027 йиллар учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар учун ажратиладиган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини бюджет дастурлари асосида режалаштирилиши таъминлансин.

- Ушбу ўқув семинари якунига кўра, тизим ташкилотлари ва худудий бўлинмаларда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича (ходимлар учун ўқув семинари ўтказиш, меъёрий хужжатлар талабларини қайтадан етказиш, ходимларни шахсий масъулиятини ошириш каби) профилактика ишлари амалга оширилсин.

- 2024 йил 1-мартга қадар барча ходимлардан 2024 йил учун “Манфаатлар тўқнашуви мавжуд/мавжуд эмаслиги тўғрисида”ги деклорациялар олиниб, таҳлил қилинсин ҳамда якуни бўйича маълумотлар вазирлик Комплеанс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига тақдим этилсин.

- “e-anticor” платформаси мавжуд ташкилотлар, коррупцияга қарши курашиш йўналишига оид маълумотларни ҳар чорак якунига кўра

платформага киритиб борилишини, платформа мавжуд бўлмаган ташкилотлар эса маълумотларни ҳар чорак якунида вазирлик Комплеанс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига тақдим этиб борилишини таъминласин.

Ички аудит хизмати мавжуд бўлган тизим ташкилотлари:

- тегишлилиги бўйича “Ички аудит тўғрисида”ги Низомини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 12 январдаги 4-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички аудит тўғрисида”ги Низомлари асосида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда, вазирлик Ички аудит бўлимига кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида, лавозимнинг малака талабини вазирлик Ички аудит бўлимининг лавозимлари малака талабларига мос равища ишлаб чиқилсин.

- 2024 йилда амалга ошириладиган йиллик иш режалар вазирлик Ички аудит бўлими билан келишсин ҳамда тасдиқласин.

Мазкур иш режада мақсадли индикаторлар ижросини баҳолаш инобатга олинсин. Бунда баҳолаш тегишлилигича ажратилган маблағлар бўйича ҳар чорак кейинги ойнинг 10-санасига қадар амалга оширилсин.

Таъкидлансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги 4-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом 35-бандига асосан Ички аудит хизмати томонидан бюджет дастурларининг ижросини баҳолашнинг холислиги ва ишончлилигини таъминлаш, соҳа фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида ички аудит хизмати ходимларини бюджет дастурларининг ижроси ва мониторингини юритиш ҳамда уларнинг ижроси бўйича ҳисботни тузиш жараёнларига жалб этишга йўл қўйилмайди.

- Ички аудит хизматлари ҳар чорак кейинги ойнинг 10-санасига қадар амалга оширган ишлари бўйича вазирлик Ички аудит бўлимига ҳисботларни тақдим этиб борсин.

- Ички аудит хизматлари Адлия вазирлигида 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисида”ги Низом

49-бандига мувофиқ ташкилотнинг харажатлар сметаси ва штат жадваллари тузилишида ички аудит хulosаларини тақдим этсин.

3. Ушбу йиғилиш баёнининг ижросини назорат қилиш вазифаси вазир ўринбосари Б. Охунов зиммасига юклатилади.

Баённомани расмийлаштириди

Н. Тошматов





БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ САБАБЛАРИ
ВА АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР

Таҳлилларга кўра, вазирликга ажратилган маблағларни
ички назорати ва самарали тақсимотида **муаммолар**
мавжуд

!

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидағи ташкилотларда 2023 йилда ўтказилган назорат тадбирларида **298,3 млрд сўмлик молиявий хатоликлар** ва **60 млрд сўмлик** қўшимча манбалар **аниқланган**

OKView

A photograph of a presentation slide displayed on a large screen. The slide has a blue header with the title in Russian. The main text is in Uzbek. There is a red exclamation mark icon on the left side. In the foreground, the back of a person's head and shoulders are visible, along with the tops of other audience members' heads. Below the slide, a portion of a presentation table is visible, showing some equipment and cables.

HARAKATLAR STRATEGIYASIDAN
ТАРАДДИЙТ СТРАТЕГИЯСЫ ЗАР





